

**БЎЛАЖАК ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ФАНИ
ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИЛИГИНИ
ОШИРИШДА ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ИННОВАЦИОН
КЛАСТЕРНИ ТУТГАН ЎРНИ**

*Камаладин Куронбоевич Матякубов
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
Технологик таълим кафедраси ўқитувчиси*

ANNOTATSIYA

Ушбу мақола таълим соҳасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва эришилган қатор ижобий ўзгаришларга қарамасдан, таълим самарадорлигининг ривожланиши динамикасини янада жадаллаштириши, бунда яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлардан самарали фойдаланиши, умумтаълим мактаблари учун рақобатбардош мутахассисларни — бўлажак технология фани ўқитувчиларни етказиб бериши бугунги кунда энг долзарб масала ҳисобланади

***Калит сўзлар:** касбий компетентлик, таълим сифати, педагогик кластер, ўқитиши технологиялари.*

**THE ROLE OF PEDAGOGICAL EDUCATION IN INNOVATIVE
CLUSTER IN INCREASING THE PROFESSIONAL COMPETENCE OF
FUTURE TECHNOLOGICAL EDUCATION TEACHERS**

*Kamaladin Kuronboevich Matyakubov
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region
Teacher of the Department of Technological Education*

ANNOTATION

Despite the creative work in the field of education and a number of positive changes, the most pressing issue today is to further accelerate the dynamics of educational development, the effective use of created conditions and

opportunities, the supply of competitive specialists - future technology teachers for secondary schools.

Keywords: *professional competence, quality of education, pedagogical cluster, teaching technologies.*

Ўзбекистон Республикасида амалга амалга оширилаётган ислохотлар талабларга тўла жавоб берувчи, ишлаб чиқариш соҳасида юзага келган рақобатга бардошли, кескин ўзгаришларга мослаша олувчи, шунингдек, меҳнат бозорида мутахассислар малакасига қўйилаётган талаблар даражасида самарали фаолият юритувчи шахсни шакллантириш долзарб муоммо ҳисобланади.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва эришилган қатор ижобий ўзгаришларга қарамадан, таълим самарадорлигининг ривожланиш динамикасини янада жадаллаштириш, бунда яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлардан самарали фойдаланиш, умумтаълим мактаблари учун рақобатбардош мутахассисларни — бўлажак технология фани ўқитувчиларни етказиб бериш бугунги кунда энг долзарб масала ҳисобланади. Талаба ушбу жараёнда билимларни жамлаш, сақлаш, узатиш, уларнинг мантикий тузилмасини яратиш ва истикболда касбий фаолиятини ташкил этишда уларни самарали қўллаш каби ҳолатларни ўзида мужассам эттиради. Педагогик-психологик фаолият билан боғлиқ қараш, қадрият ҳамда мотивациялар моҳиятан ўзгариб такомиллашиб боради.

Аслида “кластер” сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, таржима қилинганда “тўплам”, “тўп”, “тўпламларда ўсиш” деган маъноларни англатади. Кластер тушунчасига кўплаб олимлар ўз тадқиқот ишларида таъриф бериб ўтганлар. Жумладан, Г.А. Яшевой “Кластер – бир илмий-маърифий марказ атрофида бирлашган (махсус хизматлар, шу жумладан, етказиб берувчи, шунингдек, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар)

компаниялар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларига асосланувчи тармоқ ташкилотлари мажмуи” деган таърифни бериб ўтади.

Демак, таърифдан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосага келишимиз мумкин: иқтисодиётдаги “кластер” тушунчаси жуғрофий жиҳатдан яқин корхоналар, илмий марказлар, тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва субъектлар рақобатбардошлилигини таъминлаш мақсадида концентрациялашуви жараёни.

Педагогик таълим кластери эса бўлажак технология фани ўқитувачиларини касбий компетентлигини оширишни муҳим омил ҳисобланади. Бу жараённи қуйидагича талқин қиламиз:

Авваломбор касбий компетентлик нима? Касбий компетентлик бу маълум бир соҳа бўйича билим, кўникма, малакани эгаллаш ва касбий жараёнда муваққиятли қўллаш олишга айтилади. Бунинг учун бўлажак ўқитувчини тайёрлашда узликсиз таълим тизими ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиб таълимда узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш лозим. Сабаби бўлажак технология фани ўқитувчилари Олий таълим муассасасида умумий ўрта таълим мактаблари ўқув дастурлари меъёрий ҳужжатлари ва амалиёт даврида мактабдаги муҳит дарс жараёни ва уни қандай ташкил этилиш жараёни билан танишмасдан касбий компетентлиги ҳеч қачон юқори бўлмайди. Бу эса таълим тизимини асоси бўлган умумий ўрта таълим ўқувчиларида ушбу фан юзасидан билим кўникма малакани тўлиқ эгалланмаслигига ва келажакда онгли касбга йўналмаслигига олиб келади. Бу вазиятни олдини олиш учун албатта таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатиш ва ўқув дастур ва меъёрий ҳужжатларини узвийлаштириш лозим.

Бўлажак технология фани ўқитувчиларини касбий компетентликлари юқори даражада шаклланиши учун педагогик таълим инновацион кластеридан келиб чиқиб қуйидаги мақсадларни белгилаб олишимиз керак:

Технология фани соҳасидпа самарали ворисийликни таъминлаш ва энг яхши талабаларни педагог касбига тарғиб қилиш;

Педагогларнинг касбий тайёрлигини амалиётгатаянган ҳолда ва манфаатдор субъектлар тескари алоқасини оператив таъминланган ҳолда олиб бориш;

Бўлажак технология ўқитувчиларини инновацион тажрибага эга амалиётлар базасида тайёрлаш муҳитини яратиш;

Педагогик таълимда янги авлод ўқув, ўқув-услугий, илмий адабиётлар, воситалар ва дидактик мажмуасини яратиш;

Педагог кадрлар тайёрлашда мактабгача, ўрта таълим ва ОТМ ҳамда бошқа талабгорлар билан ўзаро тезкор боғланиш имкониятини яратиш;

Педагогик таълим бўғинлари ўртасида алоқадорлик, боғлиқлик ва ҳамкорлик заруриятини илмий асослаш.

Ушбу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

-худуддаги таълим муассасалари учун замонавий билим ва малакага эга педагог кадрлар тайёрлаш;

-таълим сифатин оширишда инновацион педагогик технологиялардан самарали фойдапланиш;

-умумтаълим мактабларида технология фанини ўқитиш билан боғлиқ муоммоларни бартараф қилиш мақсадида илмий-амалий семинарлар ташкил қилиш;

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки юқоридаги мақсад ва вазифалар бир тизимда бўлажак технология фани ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида амалга оширилса, келажакда касбий компетентлиги юқори, дунё миқёсида рақобатбардош технология фани мутахассисини етказиб чиқаришга муҳим асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

REFERENCES:

1. Матякубов.К (2020). Мехнат тарбияси орқали ўқувчиларнинг ижтимоий ҳаётга мослашишларини таъминлаш. *Academic Research in Educational Sciences*, 1 (3), 1051-1056.

2. Матякубов.К The use of national traditions in the labor education of pupils// *Academia*,2020.Volume 10,Issue 10,pp 300-305

3. Матякубов.К., Рахманов А.Р.Мақtablarda ta`limning ijtimoiy sheriklik modelini yaratishda klaster yondashuv. *Academic research in educational sciences*,2020.Volume 1,Issue 4,244-249 b.

4. Матякубов.К Process of Labor Preparation for Schoolchildren. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(09), 2405-2412.

5. Халмухамедова, М. А. (2020). Нақшбандия тариқати воситасида талабаларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш (технологик таълим мисолида). *Муг‘аллим*, 1(1).

6. Гулбаев, Н. А., Кудратиллоев, Н. А. (2020). Состояние проблем управления систем с рассредоточенными объектами (на примере электрических сетей). *Science and World*, 6(82), 29-32.

7. Гулбаев, Н. А., Кудратиллоев, Н. А. (2020). Моделирование и управление территориально-распределенными системами. *Science and World*, 6(82), 25-28.

8. Гулбаев, Н. А., Кудратиллоев, Н. А. (2020). Модели упорядочивания структур управления систем с рассредоточенными объектами. *Евразийский Союз Ученых (ЕСУ)*, 6(75), 46-48.